



"UZBEKISTAN AND CHINA: MULTIFACETED COOPERATION IN STRATEGIC PARTNERSHIP"

Q. Juraev

Doctor of Political Sciences, Professor, Deputy Chairman

Committee on International Affairs and Interparliamentary Relations of the Legislative Chamber of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Cooperation, cultural exchanges, cooperation programs, innovative dialogues, intergovernmental documents, strategic partnership.

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: The importance of mutual strategic relations between the two countries is reflected in the harmony of common goals towards the common welfare, common views and positions of both countries on international and regional issues. This is supported by Uzbekistan and China as a necessary, inclusive and open platform to ensure stability and security in the Central Asian region and the SCO space in general, to prevent the escalation of the situation in Afghanistan and to ensure stability, and the "One Space, One Road" initiative to achieve common development and prosperity. - is shown in the example of being powered.

“ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКҲАМДА КЎП ҚИРРАЛИ ҲАМКОРЛИК”

Қ. Жўраев

Сиёсий фанлар доктори, Профессор, раис ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ҳамкорлик, маданий алмашинувлар, ҳамкорлик дастурлари, инновацион мулоқотлар, ҳукуматлараро ҳужжатлар, стратегик шериклик.

Аннотация: Икки давлат ўртасидаги ўзаро стратегик алоқаларнинг аҳамияти умумий фаровонлик сари муштарак мақсадлар уйғунлиги, халқаро ва минтақавий масалалар юзасидан ҳар икки давлатнинг умумий ўхшаш қарашлари ва позициясида намоён бўлмоқда. Буни

Ўзбекистон ва Хитой томонидан Марказий Осиё минтақасида ва умуман, ШХТ маконида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш, Афғонистондаги вазиятнинг кескинлашиб кетишига йўл қўймаслик ва барқарорликни таъминлаш, “Бир макон, бир йўл” ташаббуси умумий тараққиёт ва фаровонликка эришиш йўлидаги зарурий, инклюзив ва очиқ платформа сифатида қўллаб-қувватланаётгани мисолида намоён бўлади.

«УЗБЕКИСТАН И КИТАЙ: МНОГОПЛАНОВОЕ СОТРУДНИЧЕСТВО В РАМКАХ СТРАТЕГИЧЕСКОГО ПАРТНЁРСТВА»

К. Жураев

доктор политических наук, профессор, заместитель председателя

Комитет по международным делам и межпарламентским связям Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Сотрудничество, культурные обмены, программы сотрудничества, инновационные диалоги, межправительственные документы, стратегическое партнерство.

Аннотация: Важность взаимных стратегических отношений между двумя странами отражается в гармонии общих целей на пути к общему благосостоянию, общих взглядах и позициях обеих стран по международным и региональным вопросам. Это поддерживается Узбекистаном и Китаем как необходимая, инклюзивная и открытая платформа для обеспечения стабильности и безопасности в Центральноазиатском регионе и на пространстве ШОС в целом, предотвращения эскалации ситуации в Афганистане и обеспечения стабильности, а также «Единой Инициативы «Космос, одна дорога» для достижения общего развития и процветания. - показана на примере энергоснабжения.

КИРИШ

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги алоқалар бугун ёки кеча бошланмагани, балки узок ўтмишга бориб тақалиши ҳеч кимга сир эмас. Тарихий манбалардан кўриш мумкинки, қадимдан икки буюк диёр ўртасида савдо қарвонлари, маданий алмашинувлар, фаол дипломатик муносабатлар амалга оширилган. Хусусан, эрамиздан аввалги 126 йилда Хань сулоласининг илк элчиси Чжан Цянь Фарғона водийсидаги қадимий Паркана давлатига

келган. Шарафиддин Али Яздий “Зафарнома”сида 1388 йил бошларида Хитойдан келган элчилар ҳақида эслатиб ўтган[1].

Шунингдек, “Мин сулоласининг ҳақиқий тарихи” номли илмий тарихий асарда 1389-1398 йилларда Хитойга Амир Темур салтанатидан тўққиз марта элчи келгани қайд этилган. Бу каби тарихий фактлар Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик чуқур тарихий илдизга эгалигини исботлайди.

АСОСИЙ ҚИСМ

Таъкидлаш жоизки, ушбу тарихий алоқалар ҳозирда ҳам изчиллик билан давом этмоқда. Хитой давлати мамлакатимиз мустақиллигини биринчилар қаторида, 1991 йил 27 декабрда расмий тан олган давлатдир[3].

Кейинги йилларда олий даражадаги ишонч мулоқот ва давлат раҳбарлари Ш.Мирзиёев ва СиЦзиньпин ўртасидаги мунтазам учрашувлар туфайли Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳамкорлик тобора кенгайиб бормоқда. 2022 йил 15 сентябрда ўзаро муносабатлар ҳар томонлама стратегик шериклик даражасига кўтарилди. Ҳозирга қадар икки мамлакат ҳамкорлигининг ҳуқуқий асосини 300 га яқин, жумладан, 100 дан ортиқ давлатлараро ва бошқа ҳукуматлараро ҳужжатлар ташкил этмоқда[2].

Айниқса, ўтган 2023 йилда Сиань шаҳрида Хитой Халқ Республикаси раҳбари ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари етакчилари иштирокида “Марказий Осиё – Хитой” биринчи саммитининг ўтказилиши минтақалар ўртасида ўзаро ҳамкорликнинг янги истиқболларини очиб берди, деб бемалол айтиш мумкин[4].

Ҳозирда Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўзаро ишонч, дўстлик, фаол иқтисодий, инвестициявий, маданий, инновацион мулоқотлар кўринишида янада мустаҳкамланиб бормоқда.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасида ўзаро савдо ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар ошди. Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 14 миллиард доллардан ошиб, 2023 йилда товар айирбошлаш 50 фоизга ошиб, рекорд кўрсаткич – 14 миллиард долларга етди[5].

Ўтган йиллар мобайнида хитойлик сармоядорлар иштирокида юртимизда қатор стратегик аҳамиятга эга бўлган корхона ва иншоотлар барпо этилди. Мисол сифатида Ангрен – Поп темир йўли, Қамчиқ довонида қурилган туннелларни келтириш мумкин. Ҳозирда ҳам хитойлик ҳамкорлар билан бирга қатор стратегик объектлар, хусусан, йирик корхоналар ва энергетик мажмуалар барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, икки малакат ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини, шу жумладан юқори сифатли саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига 20 миллиард долларга етказиш учун яхшигина салоҳият мавжуд.

Айниқса, инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетикада технологиялар трансфери ва бошқа соҳаларда ўзаро ҳамкорлик дастурларини йўлга қўйиш учун ишга солинмаган талайгина имкониятлар мавжуд.

Бундан ташқари, Ўзбекистон ва Хитой стратегик тараққиёт концепцияларининг устувор йўналишларидаги ўзаро ўхшашликнинг мавжудлиги ҳар икки давлат учун “тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш”, “инвестициявий жозибадорликни ошириш”, “кичик ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш”, “маҳаллий брендларни жаҳон бозорига олиб чиқиш”, “юқори салоҳиятли кадрларни тайёрлаш”, “яшил ишлаб чиқариш занжирларини жорий этиш”, “иқтисодий барқарорликка аҳоли даромадларини реал тарзда оширган ҳолда эришиш” каби устувор мақсадлар йўлида ҳамкорлик қилиш имконини беради.

Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ҳақида гапирганда олий даражадаги ташрифлар ҳақида албатта тўхталиб ўтиш жоиздир. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил январь ойида Хитойга амалга оширган давлат ташрифининг аҳамияти бекиёсдир[6].

Мазкур ташриф давомида икки давлат раҳбарларининг Ўзбекистон ва Хитой ўртасида барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини ривожлантиришга интилиши ифодаланган Қўшма баёнотнинг имзоланиши олий даражадаги саммитнинг муҳим натижаси бўлди. Ташриф давомида қатор анжуманлар, хусусан, тадбиркорлар иштирокидаги икки мамлакат тадбиркорлари ва ишбилармонлари ўртасида бизнес-форум ўтказилгани ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришга катта ҳисса қўшди.

Ташриф давомида Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Хитойнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан ўтказилган қатор икки томонлама учрашувлар, жумладан, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки, Хитой Экспорт-импорт банки, Ипак йўли фонди, “CNPC” миллий нефть-газ ва “CITIC” мулкни бошқариш бўйича халқаро инвестиция корпорациялари, “BYD”, “SANY” ва “CSG” компаниялари раҳбарлари билан ўтказилган учрашувлар жуда самарали бўлди. Ушбу учрашув ва мулоқотлар давомида савдо-иқтисодий ва инвестициявий соҳаларда 480 дан ортиқ битимлар имзоланди ҳамда икки мамлакат ҳудудларининг доимий фаолият юритадиган кенгаши ташкил этилди[7].

Эндиги вазифа – Ўзбекистон Республикаси Президентининг Хитойга ташрифи доирасида эришилган келишувлар ва имзоланган битимларнинг сўзсиз, ўз вақтида ва

тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлашдан иборатдир. Бу борада тегишли вазирлик ва идоралар олий даражадаги ташриф натижалари асосида ишлаб чиқилган “йўл харитаси”да ўзларига юклатилган вазифаларни бекаму кўст бажаришга катта эътибор қаратишлари ва масъулият билан ёндашишлари талаб этилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Хитой ўртасида янада мазмунли ва жадал муносабатларни йўлга қўйиш икки мамлакат халқларининг манфаатларига бирдек мос келади. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш амалда барча соҳа ва йўналишларда кенг кўламли амалий ҳамкорликни таъминлайди ва пировардида, ўзбек ва хитой халқларининг фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ

1. А.Хўжаев. Фарғона тарихига оид маълумотлар. 2013. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Фарғона вилояти маънавият ва маърифат кенгаши.
2. Қ.А.Жўраев. Ўзбекистон – Хитой муносабатлари изчил ривожланмоқда. 2024. <https://adolat.uz/news/ozbekiston-hitoy-munosabatlari-izchil-rivozhlanmoqda>
3. Абдукайимхўжа. Ғарбий юрт ва қадимий маданият. Урумчи, 1994. 107.
4. Хитой-Марказий Осиё ҳамкорлик механизми котибияти иш бошлади. 2024. <https://uz.fergana.agency/news/133387/>
5. Ўзбекистон — Хитой: ўзаро иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривож ва истиқболдаги режалар. 2024 <https://parliament.gov.uz/uz/news/ozbekiston-xitoy-ozaro-iqtisodiy-va-investitsiyaviy-hamkorlik-rivoji-va-istiqboldagi-rejalar>
6. А.Умаркулов. Ўзбекистон Президентининг Хитойга давлат ташрифи якунланди. 2024. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-prezidentining-xitoyga-davlat-tashrifi-yakunlandi>
7. Президентнинг Хитойга ташрифи якунланди. 2024 <https://xabar.uz/siyosat/prezidentning-xitoyga-safari>